



ЧЕТ ДАВЛАТ СУДЛАРИ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ВА ИЖРОГА ҚАРАТИШ ҲАМДА ТАН ОЛИШ ВА ИЖРОГА ҚАРАТИШНИ РАД ЭТИШ АСОСЛАРИ

Шарипов Эльбрус Қарши ўғли
Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши
ҳузуридаги Судьялар Олий мактаби,
таянч докторанти
телефон: +998 93 694 94 94
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13378873>

ARTICLE INFO

Received: 19th August 2024
Accepted: 20th August 2024
Published: 24th August 2024

KEYWORDS

ABSTRACT

Халқаро шартномаларда белгиланган чет давлат суд қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 33-бобида (248-258-моддалар) ўз аксини топган.¹

**“Суд биносига келган ҳар бир инсон
Ўзбекистонда адолат борлигига
ишониб чиқиб кетиши керак” Ш.Мирзиёев**

ИПКнинг 248-моддасида чет давлатлар судларининг иқтисодиёт соҳасида юзага келадиган низолар ҳамда бошқа ишлар бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, агар бундай қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, улар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан тан олиниши ва ижрога қаратилиши мустаҳкамланган. Ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қонуний кучга кирган суд ҳужжатигина тан олиниши ва ижрога қаратилиши мумкин. Чет давлатлар судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тартиби Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган халқаро шартномалар – Киев Битими, Минск Конвенцияси ҳамда Кишинёв Конвенциясида, шунингдек икки томонлама имзоланган ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларда мустаҳкамланган. Минтақавий ҳужжатлар доирасида Киев Битими чекланган субъектлар доирасида, яъни МДҲнинг иштирокчи давлатлар ўртасида ваколатли судларнинг қонуний кучга кирган қарорларини ўзаро тан олиш ва ижрога қаратишни мустаҳкамлаган. Битимда судларнинг ваколатлилиги талаб этилиб, уларнинг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишнинг тартиби қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати ҳамда тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш асосларидан иборат. Киев` битимининг 4-моддасида назарда тутилган ваколатли суд деганда, қарори бошқа аҳдлашувчи тараф ҳудудида ижрога қаратилиши лозим бўлган, қайд этилган Битимнинг 4-моддаси қоидаларига мувофиқ низоларни кўриб чиқиш

¹ <https://lex.uz/acts/3523891>

хуқуқига эга бўлган аҳдлашувчи тарафнинг суди тушунилади. Ўзбекистон Республикасида эса бундай судлар бўлиб, улар иқтисодий судлар ҳисобланади.²

Хусусан, аризачи халқаро шартномалар, хусусан, Киев битими, Минск ва Кишинёв Конвенциялари ҳамда уларнинг асосида иқтисодий процессуал кодексининг 250-251-моддаларида назарда тутилган талаблар бўйича барча ҳужжатларни судга тақдим этган бўлса, суд чет давлат суди қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида ажрим чиқаради. Агар чет давлат суди қарори манфаатларига қарши қаратилган тараф юқорида келтирилган халқаро шартномалар ҳамда иқтисодий процессуал Кодексининг 255-моддасида назарда тутилган суд қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш асосларининг мавжудлигини исботласа ёки суд томонидан мазкур асосларнинг мавжудлиги аниқланса, чет давлат суди қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш суд томонидан рад этилади.

Чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман тан олишни ва ижрога қаратишни рад қилиш асослардан бири худудида ҳал қилув қарори қабул қилинган давлатнинг қонуни бўйича у қонуний кучга кирмаганлиги бўлиб, бундан ҳал қилув қарори қонуний кучга кирмасдан ижро этилиши лозим бўлган ҳоллар мустасно. Чет давлат суди қарорини ҳақиқийлигини тан олиш ва ижро қилиш учун, аввало, у қабул қилинган давлатда қонуний кучга кириши лозим. Шундагина суд қарорлари тан олинган давлатда ҳам юридик кучга эга бўлади.

Низо бўйича тарафнинг ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида ўз вақтида ва тегишли тарзда хабардор қилинмаган ёки бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришларини судга тақдим эта олмаганлиги жиддий процессуал қонун бузилиши бўлиб, аризани қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлади.

Мазкур шарт, халқаро шартномаларда ҳам мустаҳкамланган бўлиб, тарафларнинг суд ва қонун олдида тенглиги тамойилининг таъминланишига хизмат қилади. Мисол: “А” МЧЖ (Россия Федерацияси) Самарқанд вилоят судига ариза билан мурожаат қилиб, Россия Федерацияси Томск вилояти арбитраж судининг А67-11396/2021-сонли иш бўйича 2022 йил 5 июлда қабул қилган “Б” МЧЖ (Ўзбекистон)дан “А” МЧЖ фойдасига 20 833,32 АҚШ доллари миқдорига пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраган. Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили Томск вилояти арбитраж судининг 2022 йил 5 июлдаги суд мажлисида суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабари бўлмаганлиги сабабли иштирок эта олмаганлигини маълум қилган. Даъвогарнинг аризасига эса жавобгар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинмаган. иқтисодий процессуал кодекси 255-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра, ўзига қарши ҳал қилув қарори қабул қилинган тараф ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида ўз вақтида ва тегишли тарзда хабардор қилинмаган ёки бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришларини судга тақдим эта олмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий суди чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман тан олишни ва ижрога қаратишни рад қилади. Шунга кўра, Самарқанд вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 8 сентябрдаги ажрими билан Россия Федерацияси Томск вилояти арбитраж судининг А67-11396/2021-сонли иш бўйича 2022 йил 5 июлда қабул қилган ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш рад этилган.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ишни кўриш Ўзбекистон Республикаси судининг мутлақ ваколатига тааллуқлилиқ масаласи ҳам аризани рад этиш учун асослардан биридир. Ўзбекистон

² <https://lex.uz/docs/2654669>

Республикаси судининг мутлақ ваколатига тааллуқли ишлар халқаро шартномалар ёки миллий қонунчиликда (Иқтисодий процессуал кодексининг 240-моддаси) алоҳида белгиланади.

Айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжудлиги юқорида келтирилган аризани қаноатлантиришга йўл қўймайди. Суд томонидан кўриб ҳал этилган иш бўйича чет давлат суди қарори ҳақиқийлиги тан олинмайди ва ижрога қаратилмайди.

Айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан чет давлат судида иш юритиш қўзғатилгунга қадар қўзғатилган иш Ўзбекистон Республикасининг судида кўрилаётган бўлса ҳам аризани қаноатлантириш рад этилади.

Аризани рад этишни яна бир асоси чет эл суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш муддатининг ўтганлигидир. Иқтисодий процессуал Кодексининг 248-моддасига кўра, чет давлат суди қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш халқаро шартномаларда белгиланган муддатларда амалга оширилиши лозим. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида мазкур муддатлар белгиланмаган бўлса, суд қарори қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан уч йил муддатда тан олиш ва ижрога қаратиш учун тақдим этилиши лозим. Мазкур муддатнинг ўтказиб юборилиши тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этишга асос бўлади.

Халқаро шартномаларда чет давлат судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижрога қаратиш муддати уч йил деб белгиланган бўлиб, мазкур муддатнинг ўтиши чет давлат суди қарорини ҳақиқийлигини тан олиш ва ижрога қаратишни инкор этади. Шундай бўлсада, халқаро шартномаларда ўтказиб юборилган муддатни узрли сабабларга кўра тиклаш имкониятининг таъминланиши миллий қонунчиликда ҳам ўз аксини топди. Бу эса манфаатдор тарафнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда низонинг ваколатли суд томонидан кўриб ҳал этилиши мустаҳкамланган. Аммо ваколатлилик тушунчасига таъриф келтирилмаган. Шундай бўлсада, ваколатлилик миллий қонун ҳужжатлари билан таъминланиши ва аниқланиши лозим. Муайян давлатда низони кўриб ҳал этиш учун қонуний ваколат тақдим этилган орган томонидан қабул қилинган қарор чет давлатда тан олиниши ва ижрога қаратилиши мумкин. Мисол: “А” масъулияти чекланган ширкати (Қозоғистон) Тошкент вилоят судига ариза билан мурожаат қилиб, Қозоғистон Республикаси Жамбил вилояти ихтисослаштирилган туманлараро иқтисодий судининг 3115-22-00-2/173-сонли иш бўйича 2022 йил 1 апрелдаги “Б” МЧЖ (Ўзбекистон)дан “А” масъулияти чекланган ширкати фойдасига 32 550,00 АҚШ доллари миқдорига пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраган. Тарафлар ўртасида тузилган 2019 йил 4 январдаги шартноманинг 9.3. бандига асосан шартнома бўйича тарафлар ўртасида юзага келадиган ҳар қандай келишмовчилик ва низолар жавобгар жойлашган судда кўриб чиқилади. Иқтисодий процессуал кодекси 255-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига кўра, тараф томонидан низо ваколатсиз чет давлат суди томонидан ҳал этилганлигини тасдиқловчи далил тақдим қилинган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий суди чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман тан олишни ва ижрога қаратишни рад қилади. Шунга кўра, Тошкент вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 21 сентябрдаги ажрими билан Қозоғистон Республикаси Жамбил вилояти ихтисослаштирилган туманлараро иқтисодий судининг 3115-22-00-2/173-сонли иш бўйича 2022 йил 1 апрелда қабул қилган ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш рад этилган.

Чет давлатнинг ваколатли органи томонидан қабул қилинган қарор мазкур орган томонидан бекор қилиниши мумкин. Ўз кучини йўқотган чет давлат суди қарори Ўзбекистон ҳудудида тан олинмайди ва ижрога қаратилмайди.

Чет давлат судлари ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар иштирокчи давлатлар ўртасида муносабатларни тартибга солади ҳамда иштирокчи давлатлар ўртасида амал қилади. Шу сабабли, тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги ариза келишаётган давлатлар ўртасида сўзсиз тан олиниши лозим. Келишув мавжуд бўлмаган давлат судлари қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилмайди.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамланган ҳамда суверен давлатларнинг аксарияти томонидан қабул қилинган қарорнинг давлат суверенитетига, хавфсизлигига зид бўлмаслиги қондаси муҳим аҳамиятга эга. Суднинг қарори тан олиш талаб этилаётган давлатнинг миллий қонунчилиги асосида ижро этилар экан, аввало давлатнинг хавфсизлигига, суверенитетига хавф солмаслиги ҳамда миллий қонунчилигига зид бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризанинг рад этилишига сабаб бўлади. Мисол: “А” МЧЖ (Россия Федерацияси) Андижон вилоят судига ариза билан мурожаат қилиб, Россия Федерацияси Воронеж вилояти арбитраж судининг А14-6488/2016-сонли иш бўйича 2022 йил 24 майдаги “Б” МЧЖ (Ўзбекистон)дан “А” МЧЖ фойдасига 417 499 400 Россия рубли миқдоридagi пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни сўраган. Суд мажлисида иштирок этган қарздор вакили Воронеж вилояти арбитраж судининг 2022 йил 24 майда қабул қилган ҳал қилув қарорини, Ўзбекистон Республикасининг оммавий тартибига зидлиги сабабли, тан олиш ва ижрога қаратишни рад этишни сўраган. Суд тарафлар вакилларининг важлари ва эътирозларини эшитиб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, низо юзасидан Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларининг ҳал қилув қарорлари қабул қилинганлигини, Воронеж вилояти арбитраж суди кучда бўлган мазкур ҳал қилув қарорларига ҳуқуқий баҳо бермасдан ҳал қилув қарорини қабул қилганлигини, яъни иқтисодий процессуал кодексида белгиланган қонунийлик ва суд ҳужжатининг мажбурийлиги принципларига, ФҚда белгиланган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва асоссиз бойлик ортттиришга йўл қўйилмаслиги қоидаларига зидлигини аниқлаган. Иқтисодий процессуал кодекси 255-моддаси биринчи қисмининг 10-бандига кўра, чет давлат суди ҳал қилув қарорининг ижро этилиши Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига, хавфсизлигига зарар етказса ёки қонунчилигининг асосий принципларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий суди чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман тан олишни ва ижрога қаратишни рад қилади. Шунга кўра, Андижон вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 26 сентябрдаги ажрими билан Россия Федерацияси Воронеж вилояти арбитраж судининг А14-6488/2016-сонли иш бўйича 2022 йил 24 майда қабул қилган ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш рад этилган.

Юқорида келтирилган асослар тугал бўлмай, чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам рад этилиши мумкин.

Иқтисодий процессуал кодексининг 255-моддасида ёритилган чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш асослари Киев битими, Минск ва Кишинёв Конвенцияларида белгиланган шартларга мувофиқ, МДҲ иштирокчи давлатларининг миллий қонунчилигига киритилган бўлиб, деярли бир-биридан фарқ қилмайди.

Ушбу асослар қатор давлатлар, хусусан, Россия арбитраж процессуал кодекси³, Беларус хўжалик процессуал кодекси⁴, Тожикистон иқтисодий процессуал кодекси⁵да ҳам мустаҳкамланган бўлсада, тараф томонидан низо ваколатсиз чет давлат суди томонидан ҳал этилганлигини тасдиқловчи далил тақдим қилинганлиги ҳамда ҳал қилув қарори чет давлатнинг ваколатли органи томонидан бекор қилинганлик шартлари белгиланмаган.

Юқорида келтирилган асослар чет давлатлар судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги халқаро шартномалар нормаларига мувофиқдир.

Суд статистикасига мурожаат қиладиган бўлсак, иқтисодий судларда чет давлатлар судлари ва арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида 2021 йилда кўрилган ишлар сони 56 тани ташкил этиб, шулардан 45 таси қаноатлантирилган, 10 тасини қаноатлантириш рад этилган, 1 таси кўрмасдан қолдирилган; 2022 йилда кўрилган ишлар сони 44 тани ташкил этиб, шулардан 39 таси қаноатлантирилган, 1 тасини қаноатлантириш рад этилган, 3 таси кўрмасдан қолдирилган; 1 таси бўйича иш юритиш тугатилган; 2023 йилда кўрилган ишлар сони 82 тани ташкил этиб, шулардан 60 таси қаноатлантирилган, 9 тасини қаноатлантириш рад этилган, 4 таси кўрмасдан қолдирилган; 9 таси бўйича иш юритиш тугатилган.⁶ Бу маълумотларни аввалги йиллар билан солиштирадиган бўлсак (2017 йилда кўрилган ишлар сони 72 та, жумладан: қаноатлантирилган -68 та, рад этилган -2 та, кўрмасдан қолдирилган -1 та, иш юритиш тугатилган -1 та; 2018 йилда кўрилган ишлар сони 37 та, жумладан: қаноатлантирилган -33 та, рад этилган -4 та; 2019 йилда 70 та: қаноатлантирилган -61 та, рад этилган -8 та, иш юритиш тугатилган -1 та; 2020 йилда кўрилган ишлар сони 39 та, жумладан: қаноатлантирилган -32 та, рад этилган -5 та, кўрмасдан қолдирилган -1 та, иш юритиш тугатилган -1 та), ушбу тоифадаги ишларни кўриш мунтазам равишда ошиб борганлигини кузатиш мумкин. Бунинг асосий сабаби мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг кучайиши, чет эл инвестициялари кириб келишининг кўпайиши ва давлатлараро ҳуқуқий ёрдам тизимининг ривожланишидир.

Бу ҳолат қуйидаги гистограмма ва график таҳлилида аниқроқ кўринади:

³ https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800/

⁴ <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=HK9800219>

⁵ https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30587949

⁶ <https://stat.sud.uz/file/2024/31.01/сайт%202023%йиллик.pdf>

Иқтисодий судларга чет давлатлар судлари ва арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида 2017 йилдан 2023 йилгача кўрилган ишлар бўйича статистик МАЪЛУМОТ



Кўрилган ишлар натижасининг фоизларда ифодаланиши

№	Йиллар	Жами кўрилган	Қаноатлантирилган %	Рад этилган %	Кўрмасдан қолдирилган %	Иш юритиш тугатилган %
1	2017	72	94,4	2,8	1,4	1,4
2	2018	37	89,2	10,8	0,0	0,0
3	2019	70	87,1	11,4	0,0	1,4
4	2020	39	82,1	12,8	2,6	2,6
5	2021	56	80,4	17,9	1,8	0,0
6	2022	44	88,6	2,3	6,8	2,3
7	2023	82	73,2	11,0	4,9	11,0
ЖАМИ		400	84,5	9,8	2,5	3,3

Ушбу график таҳлилидан иқтисодий судларда чет давлатлар судлари ва арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги кўрилган ишларнинг натижаси бўйича қаноатлантирилган ишлар ҳажми камайиб борганлигини, қаноатлантириш рад этилган, кўрмасдан қолдирилган ва иш юритиш тугатилган ишлар ҳажми ортиб борганлигини кўришимиз мумкин.

Чет давлат суди ҳақ қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш аксар ҳолатларда жавобгарни тегишли тарзда хабардор қилмаганлик асоси (Иқтисодий процессуал кодекси 255-моддаси биринчи қисмининг 2-банди) билан рад этилган.

Чет давлат суди ҳақ қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш бўйича қўзғатилган ишлар бўйича барча ҳолатларда жавобгарнинг тугатилганлиги асоси (Иқтисодий процессуал кодекси 110-моддасининг 4-банди) билан иш юритиш тугатилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Иқтисодий судларда чет давлат судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш бўйича кўрилган ишлар юзасидан обзор ва умумлашмаларни имкон қадар кенгроқ кўламда, атрофлича амалга ошириш, айниқса юқори инстанцияларда қайта кўрилган ва бекор бўлган (ўзгартирилган) ишларни алоҳида ўрганиш, қўлланиладиган процессуал ҳуқуқ нормалари бўйича аниқ тушунтириш ва кўрсатмалар бериш лозим.

Шунингдек, Иқтисодий процессуал кодекси 255-моддаси биринчи қисмининг 2-бандидаги “ўзига қарши ҳал қилув қарори қабул қилинган тараф ишни кўриш вақти ва

жойи ҳақида ўз вақтида ва тегишли тарзда хабардор қилинмаган ёки бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришларини судга тақдим эта олмаган бўлса” жумласи бироз ноаниқ бўлиб, ушбу жумлани “ўзига қарши ҳал қилув қарори қабул қилинган тараф ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида иш кўрилатган давлат процессуал қонунчилигига асосан ўз вақтида ва тегишли тарзда хабардор қилинмаган бўлса” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ. Чунки “бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришларини судга тақдим эта олмаган бўлса” жумласи кенг тушунча бўлиб, бу тегишли тарзда хабардор қилингану, лекин бошқа ҳар қандай сабаб билан суд мажлисида иштирок эта олмаганликни ҳам билдиради. Зеро, Киев Битими 9-моддасининг г) бандига асосан процесс тўғрисида бошқа тараф хабардор қилинган бўлмаса, Келишувчи тараф судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш рад этилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Мирзиёев Ш.М.* Янги Ўзбекистон стратегияси.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. – 464 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
4. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси;
5. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни;
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуни;
7. Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида Конвенция. 1958 йил 10 июнь, Нью-Йорк;
8. Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция. 1961 йил 5 октябрь, Гаага;
9. Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида Конвенция, 1965 йил 18 март, Вашингтон;
10. <https://lex.uz>
11. <https://www.consultant.ru>
12. <https://pravo.by>
13. <https://stat.sud.uz>
14. <https://online.zakon.kz>